

этилган бу пъесада ўзбекларга хизмат кўрсатган рус фохиша аёли Луиза ҳаёти акс эттирилган. Асарда оғир гунох ишга кўл ураётган одамлар ва уларга жамиятнинг эътиборсизлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Пъеса минтақада илдиз отаётган буржўйча ҳаёт келтириб чиқараётган оқибатлар тўғрисида. Унда кўплаб кишилар янги қарор топаётган ижтимоий тузумни ёқтирумасликлари уларни буржуйлар турмушини қўлловчи баъзи кишилар ва майда савдогарлар билан юзага келган зиддиятлари қаламга олинади. Сиёсатчи сифатида, Махмудхўжа Куқон миллий муҳториятининг кўзга кўринган ташкилотчиларидан бири эди. Бухоро жадидчилиги асосчиси Мулла Абдул Воҳид, Тошкентда янги услубдаги мактаб очган Мунаввар Қори каби Бехбудий Самарқандда

очилган янги мактаб асосчиси эди (1903 йил). Жамоатчилик бу ташабусни қўллаб кувватлаб, жой ажратишга хайриҳоҳ бўлмагач, Махмудхўжа ўз шахсий уйини мактаб учун бўшатиб беради. Махмудхўжа ўша вактдаги Бухоро амири, манғит уруғларининг сўнгги раҳбари Сайид Олимхон тақдирни борасида кўп ўйларди. Бироқ, бу борада аниқ қарор қабул қилишга шошилмади. У Амирни таҳтдан қулатиб Бухорода буржўйлар инқилобини амалга ошириш ва ислоҳотчилик йўлидан бориши тарафдори эди. Унинг фикрича, буржуазияга нисбатан нимаики чора бўлса кўриш мумкин эди. У ўзи “халқ табиби” деб хисобланадиган Россия императорининг асосий тарафдорларидан бири эди. У 1917

йилда Россияда содир бўлган инқилобни кувонч билан кутиб олди, У Россиядаги маҳаллий буржўйлар инқилоби сабаб ўз ҳалкини сиёсий эркинлигикка чиқишини тасаввур қиласади. Бу албатта ўша пайдаги кўплаб таҳлилчилар фикрларидан кескин фарқ қиласади. Кўпчилик айнан шу сабаб Бехбудий Россиядаги октябр инқилоби заруратини тушуниб етмади, дея хуласа чиқарганди. 1916 йилнинг май ойида, Бехбудий Жадидлар ҳаракати йиғилишига раислик қиласди. Унга Мунаввар Қори (Тошкент), Паҳлавон Ниёз (Хива), Усмон Хўжа ўғли (Бухоро), Обиджон Бек (Кўқон) ва бошқалар ташриф буюришганди. Йиғилиш кун тартибидаги бир масала жуда муҳим эди. У Марказий Осиё эркакларини урушга чақириш бўйича шоҳ

чиқарган қарорни бекор қилишларини талаб қиласди. Улар Марказий Осиёликларни ўз ишларини ташлаб мажбуран рус ҳарбий кийимини кийишларига қатъий қарши эдилар.

Ва ниҳоят, Махмудхўжа машхур ва эътиборли миллатчи эди. У Тошкентда Туркистан мусулмонлари Курултоини ўтказди ва икки юздан ортиқ нуфузли кишилар имзо чеккан Бухоро амирлигига ислоҳотлар ўтказиш талаби билан қабул қилинган манифест муаллифларидан бири бўлди. (1917 йил 17 март).

Махмудхўжа Бехбудий 1919 йилда Амир Олимхон жаллодлари томонидан Қарши шаҳрида қатл қилинди.

*(Ираж Баширий, Минисота Университети профессори, АҚШ
(Инглиз тилидан Юсуф Расул ўғирган).*

Туркистанни куйлаймиз!

Мен туркийман!

“Биз ким — Мулки Турон, Амири Туркистонмиз, Биз ким — миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг боши бўғинимиз...” Амир ТЕМУР.

Сўйласин кекса тарих, мен ҳаётнинг бошиман, Тош давридан неча-нечча асрлар сирдошиман.

Буюк Оллоҳ мўъжизаси, Тангри тоғнинг сатҳи мен, Уч минг йиллик «Авесто»нинг энг муқаддас мадҳи мен.

Илк турк беги Афросиёб қони қайнар қонимда, Шу қон билан тўқсон улус, жони ўйнар жонимда.

Массагет, Сак, Хун давлати, мен мозийлар гувоҳи, Неча Хоқон, неча Султон, Битик тошларнинг охи.

Буғро, Темур ва Боязид таҳтидаги савлат мен, «Ипак йўли» узра ётган чўл ва денгиз, давлат мен.

Мен Отабек, мен Ўсмонли, Қўрқит Ота изиман, Ҳали қанча очилмаган, тарихларнинг кўзиман.

Қошғарийнинг бешигига алла айтган тил ўзим, Гўрўғли ва Алномишдан достон айтган эл ўзим.

Туркистондан Византгача Қуёш бўлиб оққан мен, Кадим Турон бирлигининг чироғини ёққан мен.

Мен Яссавий, мен Форобий, Юнус Эмроҳ созиман, Руну-Ўрхун, Кўк турклардан қолган қадим ёзувман.

Мен Улуғбек, самолардан илму-урфон излаган, «Эҳ, воҳ, қотил болам», дея, руҳи мангу бўзлаган.

Мен Машрабман, мен Насимий, тавонидан сўйилган, Маҳтумқули менинг ўзим, юрак-бағри ўйилган.

Аччиқ қисмат, хиёнатлар қиличидан ўтган мен, Дўст ўйлида душманининг заҳарини ютган мен.

Зулмларга бош эгмаган, сургунларга сабр этган, Фариб тушиб, қонлар ютиб, дунё юзин қабр этган.

Мен кечаги Отатуркман, ҳоклар узра бош эгган, “Сени кимлар ўлдирди?”, деб кўзларидан ёш тўккан.

Сатрларга терсам яна, сифмас севинч ва оҳим, Туркий ҳалқинг сақладинг сен, баҳтини бер, Оллоҳим.

ИБРОҲИМ ТУРКИЙ ҲАҚИДА

Ҳаётини туркий ҳалқлар бирилигини куйлашга бағишилаган ижодкорлар кам. Чунки бу мавзуда қалам суриш, биринчидан, туркийларнинг ҳозирги куни ва тарихини билишни тақозо қиласди. Иброҳим Туркий тарихимизни ва бугунимизни биладиган ижодкор. Унинг “Туроннома”, эпик достони, Юсуф Сарёмий ҳақидаги (Мираҳмад Мирхолдоров билан қаламдошлиқда ёзган) драмаси, Аҳмад Яссавий ҳақидаги шеърлари, умуман бутун ижоди бунинг далилидир. Туркий бирлик ғоясини кўтариш шижсат ва мардликни талаб қиласди. Иброҳим Туркий шижаотли ва мард ижодкордир. Иброҳим Туркий Ўзбекистонда туғилиб ўсган, Қарши давлат университетини битирган. Бугунги кунда Жанубий Қозогистонда яшаб ижод қилмоқда. Шоир, драматург, журналист дўстимиз бу йил олтмиш ёшга тўлди.. Биз, дўстимиз ва маслақдошимиз Иброҳим Туркийни 60 йиллик тўйи билан муборакбод этар эканмиз, унинг ижодига бадиий баркамоллик, ўзига узоқ умр, шахсий ва оилавий турмушида омад ва баҳт тилаймиз.

“Туркистан тонги” таҳририяти.



Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.

Турон элим...
Бир онадан оппоқ сутни эммабидик?
Кўзни очиб бир отани кўрмабидик?
Севинч ғамни бирга татиб билмабидик?
Аждодларни бир мозорга кўммабидик?
Нечун бугун дардинг кўриб дармоним йўқ,
Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.

Келган ёвуз бошларингни чўқиб кетди,
Боринг олиб, қад-қоматинг букиб кетди,
Тарқоклигинг кўриб “мадҳ”лар ўқиб кетди,
Шаънинг узра ривоятлар тўқиб кетди,
Турон элим, дардинг кўриб дармоним йўқ,
Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.

Эр Тўнғадан мерос қолган таҳting қани?
Юздан ортиқ давлатинг ва баҳting қани?
Аждодларинг сени деган аҳдинг қани?
Асрларни безаб келган мадҳинг қани?
Турон элим, дардинг кўриб дармоним йўқ,
Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.

Қошғарийнинг тилим деган сўзи ёдми?
Қўрқит отанг босиб ўтган изи ёдми?
Яссавийнинг қибла тутган юзи ёдми?
Неча дониш, Алломангнинг кўзи ёдми?
Турон элим, дардинг кўриб дармоним йўқ,
Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.

Синовларга дош беролмай тўзиб олдинг,
Ўз-ўзингга битта тарих ёзиб олдинг,
Севинч-ғамдан минг семириб, озиб олдинг,
Билмасингдан ўзингга чоҳ қазиб олдинг,
Турон элим, дардинг кўриб дармоним йўқ,
Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.

Керак бўлса, қурбон берай кел жонимни,
Садқа қиласай, пойларингга тан, қонимни,
Тилағим бир, тақиб туркий туморимни,
Асрасанг бас, Туронзамин маконимни,
Турон элим, дардинг кўриб дармоним йўқ,
Бирлигингни кўриб ўлсан, армоним йўқ.
1990 йил.

Илтижо

Оламни яратган эй, Парвардигор,
Пойингга айлайнин жонимни нисор.

Буюк неъматингдир, ақл ва идрок,
Бер туркий элимга дилин айлаб пок.

Яшасин ҳамиша баҳтини тилаб,
Келажак иқболи, таҳтини тилаб.

Яна бир тилагим шундайин эрур,
Қалбини безасин меҳр ва фурур.

Қувват бер хиёнат ўйлин боғласин,
Ўзини садоқат ўйлга чорласин.

Ўтмишда тўқилган қонларнинг ҳаққи,
Шахидга айланган жонларнинг ҳаққи,

Золимга ҳақиқат сеҳрини бергин,
Қалбига инсонлик меҳрини бергин.

Зулматни тарқ этсин, очсин кўзини,
Адолат, илмга кўйсин изини.

Яна бир орзум бор, сендан шундайин,
Ижроси сен учун эмасдир кийин.

Берган синовингдан топмайин завол,
Кўхна Туронзамин кўрсатсан жамол.

Кутиб келажақдан яхшилик мужда,
Доим шукронангта айласин сажда.

Кекса ҳам ўшлари мажлисда ҳозир,
Лаб очиб бирликдан сўзласин бир-бир.

Илму маърифатдан сўз қиласа баён,
Истагин қабул эт, ўнгига аён.

Бут бўлсан устида маънавий либос,
Ўтмиши, аждоди, авлодига хос.

Тақдирини кўйма, ҳасадгўй ёвга,
Дуч қилма ҳеч қачон тўсиқ ва фовга.

Синмасин фалакда парвоз қаноти,
Унут бўп кетмасин пок асл зоти.